

**Судланганнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 15 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2014 йил 22 майдаги ҳукмига кўра, К. Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми, 25,273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари 961.050 сўм миқдоридан жарима, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоларига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2014 йил 26 январь куни ИИБ ходимлари томонидан К.нинг хонадонидан ўтказилган тинтувда, томорқасида етиштирган "марихуана" ўсимлигини 2014 йил октябрь ойида юлиб олиб, қуришиб сақлаб келаётгани аниқланган. К. мазкур 321,2 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорида, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга уқол қилиш ва ҳоказолар) тушунилиши, айбдорнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсади борлиги масаласини ҳал этишда, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилишни истисно этадиган миқдорда топилганлиги, гиёҳвандлик воситалари маълум ўлчамда

қадокланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларнинг махсус жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказоларни инобатга олиш лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Дастлабки тергов жараёнида тергов органининг алоҳида топшириғига асосан ўтказилган тезкор суриштирув ҳаракатлари натижасига кўра, К. гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш ва сақлаш билан шуғулланиб келганлиги аниқланган.

Судга оид наркология экспертизаси К. гиёҳвандлик касаллиги билан оғриши ҳақида хулоса берган.

К. дастлабки тергов ва судда, аввалдан гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келгани, омборхонасидан топилган гиёҳвандлик воситасини ҳам истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келгани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А. судда, 2014 йил 26 январь куни ўтказилган тинтув жараёнида, К. омборхонасидан целлофан пакетга ўралган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан олиб чиқиб, ИИБ ходимларига топширгани, К. "марихуана"ни томорқасида экиб етиштиргани ва ўзи истеъмол қилиб келишини билдиргани ҳақида кўрсатма берган.

Ишда К.ни гиёҳвандлик воситасини бирон-бир шахсга сотишга ёки ўтказишга суиқасд қилганини исботловчи далиллар мавжуд эмас.

Суд томонидан қайд этилганлар эътиборга олинмасдан, К.нинг ҳаракатларини гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилиш сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 8 январдаги ажрими билан К.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмидан Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилиниб, унга шу модда билан 3 йил, Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари 961.050 сўм миқдорида жарима ҳамда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиб, 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия акти 1-бандининг "в" кичик бандига асосан тайинланган жазолардан озод қилинди.

***Назорат иши № 5-9-15***